



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ

Баходиров Шодиёр Элёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20826905>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 22-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 24-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Мудофаа вазирлиги
органлари, ҳарбий
автомобиль инспекцияси,
маъмурий юрисдикция,
маъмурий ҳуқуқбузарлик, йўл
ҳаракати қоидалари, ҳарбий
хизматчи, маъмурий иш
юретиш, маъмурий
жавобгарлик, электрон
далиллар, рақамли маъмурий
процесс, ҳуқуқни қўллаш
амалиёти, транспорт
хавфсизлиги, маъмурий
ваколатлар, МЖТКнинг 256-
моддаси, электрон реестр.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари, маъмурий юрисдикция соҳасидаги ваколатлари ҳамда уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 256-моддаси мазмуни илмий жиҳатдан тадқиқ этилиб, ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро ташкилотлар тадқиқотлари асосида ҳарбий автомобиль инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш, электрон маъмурий иш юритишни жорий этиш, электрон далилларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликлар бўйича ягона электрон реестрни шакллантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари ҳарбий хизматчилар иштирокидаги транспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий юрисдикция институтини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг жамоат хавфсизлиги соҳасидаги устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда транспорт инфратузилмасининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ҳуқуқий, ташкилий ва институционал чора-тадбирлар тизими шакллантирилган. Ушбу тизимда маъмурий жавобгарлик институти муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, йўл ҳаракати қоидаларининг

аксарият бузилишлари маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади ва улар бўйича иш юритиш махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида маъмурий юрисдикция давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш ва белгиланган таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолияти сифатида талқин қилинади. Профессор Ю.М. Козловнинг таъкидлашича, «маъмурий юрисдикция давлат бошқаруви соҳасида қонунийликни таъминлашнинг муҳим шакли бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳуқуқий тартиботни сақлаш ва ҳуқуқбузарликларга тезкор муносабат билдиришдан иборат» [1]. Мазкур ёндашув маъмурий юрисдикциянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясига алоҳида урғу беради.

Бироқ Д.Н. Бахрах маъмурий юрисдикциянинг мазмунини кенгроқ талқин қилади. Унинг фикрича, маъмурий юрисдикция нафақат ҳуқуқбузарликлар бўйича жазо қўллаш, балки ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш, ҳуқуқий фактларга баҳо бериш ва давлат бошқаруви соҳасида қонунийликни таъминлаш механизмларини ҳам ўз ичига олади [2]. Бизнинг назаримизда, Бахрахнинг мазкур ёндашуви замонавий маъмурий ҳуқуқнинг мазмунига кўпроқ мос келади, чунки ҳозирги шароитда маъмурий органлар фақат жазоловчи эмас, балки профилактик ва тартибга солувчи функцияларни ҳам бажармоқда.

Мазкур илмий ёндашувлар ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини кўриб чиқиш ваколатларини таҳлил қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми оддий фуқаролар мақомидан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунчилиги ҳарбий хизматчилар зиммасига алоҳида мажбуриятлар юклайди ҳамда уларнинг хизмат фаолияти давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли улар томонидан содир этилган айрим ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш учун махсус юрисдикция механизмининг жорий қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Бу борада С.С. Алексеевнинг ҳуқуқий тенглик ҳақидаги қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Олимнинг фикрича, «ҳуқуқий тенглик барча субъектларга бир хил муносабат билдиришни эмас, балки уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ижтимоий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда адолатли ҳуқуқий тартиб ўрнатишни англатади» [3]. Ушбу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳарбий хизматчиларга нисбатан махсус маъмурий юрисдикциянинг белгиланиши тенглик тамойилининг бузилиши эмас, балки унинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигида мазкур ёндашув Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 256-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳарбий хизматчилар ҳамда йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган айрим йўл ҳаракати қоидалари бузилишлари тўғрисидаги ишлар Мудофаа вазирлиги органлари томонидан кўриб чиқилади. Хусусан, МЖТКнинг 125, 125¹, 126-моддалари, 127-модданинг биринчи қисми, 128-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶-моддалари, 129-модданинг биринчи қисми, 130-модданинг биринчи қисми, 135, 135¹, 138, 139 ва 140-

моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар мазкур органларнинг юрисдикциясига киритилган [4].

Мазкур ҳуқуқий конструкциянинг шаклланиши давлат бошқаруви тизимида ихтисослаштирилган юрисдикция институтларининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ю.Н. Стариловнинг қайд этишича, «махсус соҳаларда ҳуқуқни қўллаш ваколатларининг ихтисослаштирилган органларга берилиши қарорларнинг сифатини оширади ва ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш имконини яратади» [5]. Ушбу фикр ҳарбий автомобиль инспекцияси фаолиятининг ҳуқуқий моҳиятини тушунишда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ мазкур масала бўйича илмий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас. Масалан, А.П. Коренев маъмурий юрисдикция ваколатларининг кўплаб органлар ўртасида тақсимланиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хилликнинг бузилишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди [6]. Олимнинг фикрича, бир турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича қарорлар турли органлар томонидан қабул қилиниши ҳуқуқий амалиётда тафовутларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу нуқтаи назар маълум даражада асосли бўлса-да, ҳарбий хизмат муносабатларининг хусусияти мазкур масалага бошқача ёндашишни талаб қилади. Чунки ҳарбий транспорт воситалари ҳаракати кўп ҳолларда махсус вазифаларни бажариш, ҳарбий юкларни ташиш, жанговар шайликни таъминлаш ёки хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини баҳолаш учун нафақат йўл ҳаракати қоидаларини билиш, балки ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Бу эса махсус ваколатли органнинг мавжудлигини объектив заруратга айлантиради.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам мазкур ёндашувнинг асосли эканлигини кўрсатади. Масалан, Россия Федерациясида ҳарбий транспорт воситалари иштирокидаги кўплаб ҳуқуқбузарликлар бўйича материаллар ҳарбий автомобиль инспекцияси тизими орқали кўриб чиқилади [7]. Қозоғистон Республикасида ҳам ҳарбий транспорт воситалари ҳаракати устидан назорат қилиш бўйича махсус ҳарбий полиция бўлинмалари фаолият юритади [8]. Германияда эса ҳарбий транспорт ҳаракати билан боғлиқ масалаларда Бундесвер ҳарбий полицияси (Feldjäger) иштирок этади [9]. Ушбу тажриба ҳарбий соҳада махсус юрисдикция институтлари халқаро амалиётда кенг қўлланилаётганлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, МЖТКнинг 256-моддасида белгиланган ҳуқуқий механизм умумий ва махсус юрисдикция ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Бир томондан, ҳарбий хизматчилар ҳам барча ҳаракат иштирокчилари каби йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишлари шарт. Иккинчи томондан, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва хизмат фаолияти хусусиятлари ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқишда алоҳида ёндашувни талаб этади.

Шу билан бирга, амалдаги таҳрирда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, МЖТКнинг 256-моддасида ҳарбий автомобиль инспекциясининг процессуал мақоми ва ваколатларининг айрим жиҳатлари тўлиқ очиб берилмаган. Масалан, электрон далиллардан фойдаланиш, масофавий тарзда иш кўриш, электрон баённома юритиш каби масалалар моддада бевосита назарда тутилмаган. Ваҳоланки, давлат

бошқарувининг рақамлаштирилиши шароитида мазкур масалалар тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан МЖТКнинг 256-моддасини қуйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

"Ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича материаллар электрон шаклда қабул қилиниши, кўриб чиқилиши ва электрон қарор қабул қилиниши мумкин."

Мазкур таклиф маъмурий иш юритишни рақамлаштириш, ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва инсон омили таъсирини камайтиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, Мудофаа вазирлиги органларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузишга доир ишлар бўйича маъмурий юрисдикцияси маъмурий ҳуқуқнинг умумий тамойиллари, ҳарбий хизматчиларнинг махсус ҳуқуқий мақоми ва давлат хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжларининг ўзаро уйғунлиги асосида шаклланган мустақил ҳуқуқий институт ҳисобланади. Мазкур институтнинг ҳуқуқий табиати ва амал қилиш механизмини чуқур таҳлил қилиш кейинги бобларда ҳарбий автомобиль инспекциясининг ваколатлари ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартибини баҳолаш учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Мудофаа вазирлиги органларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузишга доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш соҳасидаги ваколатлари маъмурий юрисдикциянинг махсус кўринишларидан бири ҳисобланади. Биринчи бобда таъкидланганидек, мазкур ваколатларнинг ҳуқуқий асоси ҳарбий хизматчиларнинг махсус ҳуқуқий мақоми ҳамда ҳарбий хизматнинг давлат мудофаа қобилятини таъминлаш билан бевосита боғлиқлиги орқали изоҳланади. Шу билан бирга, мазкур институтнинг самарадорлиги унинг амалий фаолият механизми қай даражада такомиллашганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 256-моддаси ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатини Мудофаа вазирлиги органларига беради. Ушбу норма давлатнинг умумий маъмурий юрисдикция тизимида махсус субъектларга нисбатан махсус процессуал тартиб қўлланилишини назарда тутди. Бунда ҳуқуқбузарликнинг ўзи эмас, балки ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқий мақоми ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳарбий хизматчилар иштирокидаги транспорт ҳуқуқбузарликлари бўйича ишларнинг ҳарбий автомобиль инспекцияси томонидан кўриб чиқилиши маъмурий ҳуқуқнинг дифференциациялаш тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Федерико Андреу-Гузман ҳарбий юрисдикциянинг табиатини таҳлил қилар экан, ҳарбий хизматчиларга нисбатан махсус юрисдикция қўлланилиши давлат хавфсизлиги манфаатлари билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли муҳокама ва процессуал кафолатлар таъминланиши шартлигини таъкидлайди [10]. Олимнинг мазкур фикри ҳарбий автомобиль инспекцияси фаолиятини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур органнинг ваколатлари фақат жазо қўллаш билан чекланмасдан, қонунийлик ва адолат принципларини таъминлашга ҳам қаратилган бўлиши лозим.

Амалда ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш жараёни бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқич ҳуқуқбузарликни аниқлаш ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, ҳарбий автомобиль инспекцияси ходимлари ёки автоматлаштирилган фото ва видеофиксация воситалари орқали қайд қилиниши мумкин. Замонавий давлатларда транспорт соҳасидаги назоратнинг рақамлаштирилиши ҳуқуқбузарликларни аниқлаш самарадорлигини сезиларли даражада ошироқда. Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотларда фото ва видеофиксация тизимлари йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини аниқлашнинг энг самарали механизмларидан бири сифатида баҳоланган [11].

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик қайд этилганидан кейин тегишли баённома расмийлаштирилади. Баённома ҳуқуқбузарлик ҳолатининг дастлабки процессуал тасдиғи ҳисобланади ва кейинги иш юритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарлик ҳақидаги материалларнинг ҳарбий автомобиль инспекциясига етказилиши билан боғлиқ жараёнларда муайян ташкилий қийинчиликлар учраб туради. Айниқса, қоғоз ҳужжат айланмаси сақланиб қолаётган ҳолатларда маълумотларнинг кечикиб етиб бориши ишларни ўз вақтида кўриб чиқишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

АҚШлик тадқиқотчи Майкл М. Гиллиган ҳарбий полиция органлари фаолиятини таҳлил қилар экан, ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар самарадорлиги кўп жиҳатдан ахборот алмашинувининг тезкорлиги ва ишларнинг марказлашган тарзда ҳисобга олинишига боғлиқлигини таъкидлайди [12]. Мазкур фикр Ўзбекистон шароитида ҳам долзарб бўлиб, ҳарбий автомобиль инспекцияси ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ўртасида ягона рақамли маълумотлар базасини яратиш заруратини кўрсатади.

МЖТКнинг 256-моддасида ҳарбий автомобиль инспекциясининг бошлиғи ва катта инспектори маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда жазо чораларини қўллашга ваколатли мансабдор шахслар сифатида белгиланган. Бундай ёндашув қарор қабул қилиш ваколатларини ихтисослашган мансабдор шахслар қўлида жамлаш имконини беради. Шу билан бирга, қарор қабул қилиш жараёнида далилларни баҳолаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Замонавий ҳуқуқий амалиётда электрон далилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Фото ва видеофиксация материаллари, GPS маълумотлари, электрон кузатув воситалари қайдлари ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлашда муҳим исбот воситаларига айланмоқда. Бироқ амалдаги МЖТКнинг 256-моддасида электрон далилларнинг ҳуқуқий мақоми бевосита белгиланмаган. Бу эса айрим ҳолларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувларга сабаб бўлиши мумкин.

Европа Йўл ҳаракати хавфсизлиги обсерваторияси (European Road Safety Observatory) ҳисоботларида рақамли далиллардан фойдаланиш йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни исботлаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши қайд этилган [13]. Шу сабабли миллий қонунчиликда ҳам электрон далилларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш зарурати мавжуд.

Ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш босқичида ҳарбий автомобиль инспекцияси мансабдор шахси ҳуқуқбузарлик ҳолатини ҳар томонлама ўрганиши,

хуқуқбузарнинг тушунтиришларини эшитиши, далилларни баҳолаши ва ҳуқуқий қарор қабул қилиши лозим. Бу жараёнда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ҳам таъминланиши керак. Хусусан, уларга ҳимояланиш ҳуқуқи, қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва иш материаллари билан танишиш имконияти берилиши шарт.

Дэвид Стефенс ҳарбий ва полиция функцияларининг замонавий трансформациясини таҳлил қилар экан, ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам фуқаролик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби шаффофлик ва ҳисобдорлик стандартларига мувофиқ фаолият юритиши лозимлигини таъкидлайди [14]. Бу фикр ҳарбий автомобиль инспекцияси фаолиятига ҳам тўлиқ татбиқ этилиши мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибаси мазкур соҳадаги қатор самарали механизмларни намоён этади. Масалан, Германияда ҳарбий полиция органлари томонидан қайд этилган транспорт ҳуқуқбузарликлари марказлашган электрон тизимда ҳисобга олинади. АҚШ Қуролли Кучларида эса ҳарбий транспорт ҳуқуқбузарликлари бўйича ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб, барча қарорлар рақамли шаклда расмийлаштирилади. Қозоғистонда ҳарбий полиция ва ички ишлар органлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви тизими йўлга қўйилган. Мазкур тажрибалар ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва инсон омилини камайтириш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда ҳам давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳарбий автомобиль инспекцияси фаолиятини рақамлаштириш соҳасида ҳали ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон йиғмажилд юритиш, қарорларни электрон шаклда қабул қилиш ва маълумотларни давлат органлари ўртасида автоматик алмашиш механизмлари қонунчиликда етарли даражада тартибга солинмаган.

Шу муносабат билан МЖТКнинг 256-моддасини қуйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

«Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, фото ва видеофиксация материаллари ҳамда бошқа электрон маълумотлар ҳарбий автомобиль инспекциясига электрон шаклда юборилиши мумкин. Ушбу маълумотлар маъмурий иш бўйича мустақил далил сифатида баҳоланади».

Мазкур таклиф ҳуқуқни қўллаш амалиётини рақамлаштириш, процессуал муддатларни қисқартириш ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, Мудофаа вазирлиги органлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишга доир ишларни кўриб чиқиш механизми ҳуқуқбузарликни аниқлаш, материалларни расмийлаштириш, ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш босқичларидан ташкил топган яхлит процессуал тизим ҳисобланади. Бироқ рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу масалалар кейинги бобда МЖТКнинг 256-моддасини такомиллаштириш ҳамда маъмурий юрисдикция фаолияти самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 256-моддаси ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан содир этилган айрим йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини кўриб чиқиш бўйича махсус маъмурий юрисдикция институтини шакллантирган. Мазкур институт ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда давлат мудофаа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган.

Иккинчидан, ҳарбий автомобиль инспекцияси томонидан маъмурий ишларни кўриб чиқиш механизми ҳуқуқбузарликни аниқлаш, материалларни расмийлаштириш, ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш босқичларидан иборат бўлиб, мазкур тизим йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, амалдаги қонунчилик таҳлили ҳуқуқбузарликлар бўйича электрон маълумотлар алмашинуви, электрон далилларнинг ҳуқуқий мақоми, электрон йиғмажилд юритиш ва электрон қарор қабул қилиш масалалари етарли даражада тартибга солинмаганлигини кўрсатди.

Тўртинчидан, МЖТКнинг 256-моддасини электрон ҳужжат айланиши, электрон далилларни баҳолаш, ҳуқуқбузарлик материалларини электрон шаклда юбориш ҳамда ҳарбий автомобиль инспекциясининг электрон иш юритиш ваколатларини мустаҳкамлашга қаратилган нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бешинчидан, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган транспорт ҳуқуқбузарликлари бўйича ягона электрон реестр ташкил этиш профилактика ишларини кучайтириш, таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Олтинчидан, таклиф этилаётган қонунчилик ўзгартишлари маъмурий юрисдикциянинг самарадорлигини ошириш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ва ҳарбий хизматчилар иштирокидаги транспорт ҳуқуқбузарликлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш имконини беради

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Козлов Ю.М. Административное право. – М.: Юристъ, 2005. – Б. 413–415.
2. Бахрах Д.Н. Административное право России. – М.: Норма, 2010. – Б. 561–568.
3. Алексеев С.С. Теория права. – М.: БЕК, 1995. – Б. 147–149.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 256-модда.
5. Стариков Ю.Н. Административное право. – М.: Норма, 2018. – Б. 272–279.
6. Корнев А.П. Административное право России. – М.: Щит-М, 2007. – Б. 389–391.
7. Военная автомобильная инспекция Министерства обороны Российской Федерации: нормативно-правовые основы деятельности.
8. Қозоғистон Республикасининг Ҳарбий полиция органлари тўғрисидаги қонунчилиги.
9. German Military Police (Feldjäger) Regulations and Military Traffic Control System.
10. Andreu-Guzman F. Military Jurisdiction and International Law. Geneva: International Commission of Jurists, 2004. – pp. 45–58.
11. Road Traffic Law Enforcement and Technology. UK Parliament Research Papers. – London, 2021. – pp. 22–29.

12. Gilligan M.M. Opening the Gate? An Analysis of Military Law Enforcement Functions. – Washington, 2018. – pp. 67–74.
13. European Road Safety Observatory. Road Safety Enforcement Report. Brussels, 2023. – pp. 41–48.
14. Stephens D. Military Policing and Contemporary Security Governance // International Review of the Red Cross. – 2010. – Vol. 92. – No. 878. – pp. 215–228.

